

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA-MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA INSTITUTI
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJIY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA‘NAVIY MEROSI – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO‘PLAMI**



BUXORO -2022

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA-MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEKNOLOGIYA INSTITUTI
“O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJIIY TILLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA‘NAVIY MEROSI – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO‘PLAMI**



BUXORO -2022

Мазкур мақолалар тўплам 2022 йил 9 феврал куни Бухоро муҳандислик-технология институтида “Алишер Навоий маънавий мероси – умуминсоний қадриятлар сарчашмаси” мавзусида халқаро миқёсда ўтказилган масофавий илмий анжуман материаллари асосида тузилган. Анжуманда Алишер Навоий маънавий меросининг ўзликчимизни англаш мезони сифатидаги тамойиллари, Ёшларни касб-ҳунар ва илмий-инновацион фаолиятга йўналтиришда Ҳазрат Мир Алишер Навоий асарларида ифодаланган фундаментал тамойиллар ва шоир маънавий меросининг руҳий-маънавий, тарбиявий аҳамияти, Жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосида курашишда инсонпарварлик ғоялари каби масалалар муҳокама этилди. Анжуманда Туркия, Қозоқистон мамлакатлари ва республикамизнинг таниқли олимлари, докторант ва мустақил тадқиқотчилари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Ушбу анжуман материаллари муаллифларнинг илмий изланишлари натижаси сифатида тўлиқ матни сақланган ҳолда нашрга киритилди.

Ташкилий қўмита аъзолари:

БухМТИ ректори, проф.Н.Р.Баракаев

БухМТИ илмий ва инновацион ишлар проректори

ф-м.ф.доктори М.Шарипов

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси мудири ф.ф.д.Г.С.Юнусова

БухМТИ “Хорижий тиллар” кафедраси мудири ф.ф.ф.д PhD М.Баротова

Мусахҳиҳ:

БухМТИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси Г.Х.Истамова

**Мақолалардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва имло жиҳатларига
муаллифлар масъулдирлар**

4. Abdullayeva, N. I. (2019). Method of Teaching English in Technical Institutes. International scientific review, (LXIV).
5. Idrisovna, A. N. (2020). Students'character and Portrait In English Literature. International Engineering Journal For Research & Development, 5(8), 5-5
6. Shirinova, N., & Abdullayeva, N. (2014). English for You. Study-book for the intermediate students of irrigation and melioration.
7. Abdullayeva, N. I. (2019). Description and explanation material and spiritual view of students'character in the world literaturte. In European research: innovation in science, education and technology (pp. 29-31).
8. Abdullayeva, N. I., Sulaymonova, D. H., & Fattoyeva, Z. R. (2019). Methods of teaching in foreign and nonspecific directions. European Journal of Business & Social Sciences,(7), 610-611.
9. Sulaymonova, D. H. (2019). Using music and song in teaching foreign languages. International scientific review, (LXIV).
10. Sulaymonova, D. H. (2020). Music and songs as an effective means of teaching foreign languages in ESP classes. International Journal of Innovation in Engineering research and technology.
11. Sulaymonova, D. H. (2019). Innovative and intensive teaching methods of foreign languages. In European research: innovation in science, education and technology (pp. 68-70).

ҒАМ ХАЗОНИН ЗОҲИР ЭТМИШ ЧЕХРАЙИ ЗАРДИМ МЕНИНГ...

Зарнигор Соҳибова,

Бухоро давлат университети

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси

Ўқитувчиси, ф.ф.ф.д (PhD)

Маълумки, ҳазрат Алишер Навоий инсон умрини табиатнинг тўрт фаслга бўлиб, бадий талқин этади. Унинг машҳур “Ҳазойин ул-маоний”

девони қисмлари шу асосда рамзий номланган. Қолаверса, улуғ шоир ғазалларида табиат фасллари тасвирига алоҳида эътибор қаратганлигини кузатиш мумкин. Баҳор ва кузга бағишланган байтлар мисолида фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима, барқу йиғлаб саҳоб [1, 21 б].

Маълумки, қишдан кейин баҳорнинг ташрифи элга хурсандчилик олиб келади. Бироқ бу фасл ишқдан озор чеккан ошиқ кўнглига изтироб солади. “Барқ” сўзи чакмоқ, яшин; ўт олов [4, 95] “саҳоб” эса булут [4, 555] маъносини билдиради. Бу руҳий ҳолат баҳорда булутнинг пайдо бўлиши, ёмғир ёғиши, чакмоқ чақиши – тамсил санъати орқали ифода этилган.

Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим,
Будур комимки, шояд учрағай сарви гуландомим [1,81].

Таносиб санъати билан зийнатланган мисраларда шоир баҳорда боғни сайр қилишдан мақсад гўзал табиатни, ундаги гул, дарахтларни кўриш эмас, балки сарви гуландомни – маъшуқани учратишдан иборат, деб ҳисоблайди. Бунда баҳор ёр тимсолини акс эттиради.

Ғам хазонин зоҳир этмиш чехрайи зардим менинг,
Борғали елдек баҳори нозпарвардим менинг [1,69].

“Ғам хазони” куз фаслини ифода этмоқда. Куз ва чехрайи зард – юзнинг сариқлиги мутаносиб. “Нозпарвард” сўзи ноз қилишга ўрганган [1,465] маъносида келади. “Баҳори нозпарвард” севгили ёр образини акс эттирган.

Ҳар бири юз миннат айларлар, эрур бу ҳам жафо,
Юз-у зулфунг даврида мундоқ кечар ёз-у қишим [1,80].

Маълумки, ошиқ таъналар ичида яшайди. Шоир шунга ишора қилар экан, ошиқнинг “ёз-у қиши” яъни бутун ҳаёти маъшуқа ҳажрида ўтишини таъкидлайди.

Боғингга етмасун ошуб хазондин, ёраб,
Гул била сарвунгга осеб замондин, ёраб [2,35].

“Ошуб” сўзи ғавғо, тўполон, ҳаяжон, кўрқув маъноларини ифодалайди. Шоир муҳаббат боғига хазон, яъни куз ғавғоси етмаслигини, ёрга захмат етмаслигини истайди.

Хужаста тонгки, очиб ораз ул бути гулрух,

Баҳор ҳусни кеби субҳим айлагай фаррух [2,85].

Шоир фикрича, гулрух яъни маъшуқа юзини очса, тонг баҳор ҳусни каби кўнгилни шод қилади. Бунда баҳор гўзаллик тимсолини ифода этмоқда.

Баҳор сенсиз ўлубтур манга ажаб дўзах,

Қизил гул анда ўту, оқ шукуфалардур, ях [2, 91].

“Шукуфа” сўзи гул, чечак, ғунча [4,703] маъноларини билдиради. Яъни баҳор фасли ёрсиз ошиқ учун дўзахдир, унда қизил гул олов, гул, ғунчалар эса ях – музга айланади.

Чехра сорғорғон сойи ортар кўнгулнинг ноласи,

Бор ажаб воқеъ хазон фаслида нолон андалиб [3,38].

Шоир талқинича, ошиқнинг юзи сарғайган сари кўнгил ноласи ортади. Бу руҳий ҳолат тамсил орқали асосланган. Яъни куз – хазон фаслида андалиб – булбул нола чекади. Ошиқ ҳолати кузга ва ундаги булбулга қиёсланмоқда.

Ғам хазонида тўкармен ашқлар, тортиб ғирев,

Навбаҳор андоқки, ёғқойлар булутлар кукрашиб [3,47].

Бунда “ғирев” сўзи шовқин-сурон, қийқирик [4,754] маъносида келади. “Ғам хазони” истиора бўлиб, куздаги япроқларнинг сарғайиб тўкилиши ошиқнинг кўз ёшларига ўхшайди. Ошиқ шунчаки эмас, балки шовқин-сурон билан йиғляпти. Демак, унинг дардли ҳолати куз япроқларига ўхшайди. Қолаверса, баҳор осмонидаги булутлардан ёғаетган ёмғирлар ошиқ кўз ёшига ташбеҳланыпти. Айни вақтда, бунда ғулувв ҳам акс этган.

Баҳор эл гулга мойил, бағрима юз хор, ҳар соат,

Етиб ҳар хоридин кўнглимга минг озор ҳар соат [3,69]

Баҳор – аслида гул фасли. Бироқ бу гуллар ишқдан азоб чеккан ошиқ қалбида эса ҳар соатда юзта тикан пайдо қилади. Ва ҳар бир тикандан унга

мингта озор етади. Бунда шоир тадрижни моҳирона қўллайди. Яъни юзта тиканнинг ҳар бири ошиқ кўнглига мингта бўлиб санчилади.

Навбахор ўлди ю, мен ҳажрида, соқий, май тут,
Токи йиғлай қилибон арбада андоқки, булут.
Ҳажрдин абри баҳори кибидур тийра кўзум,
Кўз юмуб очқунча, эй барқи висол, они ёрут [3,78]

“Арбада” сўзи шовқин-сурон, тўполон, қий-чув, ғавғо, ғазаб [4, 35] маъноларини билдиради. Соқийга мурожаат тарзидаги бу байтда яна ошиқ ҳолати акс этган. Яъни баҳор келган бўлса ҳам, у айрилиқдан, ҳижрондан қийналмоқда. Шунинг учун у соқийдан май сўрайди. Май таъсирида булутлардан шовқин-сурон билан ёғайтган ёмғир янглиғ кўз ёшлари тўкилади. Шоир ҳижронзада ошиқнинг йиғлаб-йиғлаб, баҳор булутидай хира тортган кўзлари “кўз юмиб очқунча” – тез фурсатда висол чакмоғи ёрдамида чакнашини истайди. Зеро, инсоннинг кўзлари хурсандчиликда чакнайди, хафа бўлганда эса хира тартади.

Юқорида таҳлил этганимиз Алишер Навоий байтларида баҳор ва куз фасллари тасвири рамзий-тимсолий моҳият касб этиб, бетакрор образларни юзага келтирган. Бу фаслларнинг шоир сатрларида алоҳида, ёнма-ён, контраст ҳолатда ифода этилган ва лирик қаҳрамон – ошиқнинг қалб тўлғамлари, руҳий ҳолати, изтиробли кечинмалари гўзал поэтик манзараларда ўз аксини топган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Alisher Navoiy. Gurbatda g`arib shodmon bo`lmas emish. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2018. – 1... b.
2. Алишер Навоий. МАТ. 6-том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент, Фан, 1990. – 566 б.
3. Алишер Навоий. Қаро кўзум. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 768 б.

4. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.

ВОСПИТАНИЕ НРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ ЛИЧНОСТИ НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА АЛИШЕРА НАВАИ

Студент группы 4-21 ЭЭЭ СОП Джураев Файзулло

**Научный руководитель: старший преподаватель кафедры
узбекского языка и литературы Асрарова М.У. БИТИ**

Опорные слова: нравственные качества, моральные нормы, произведения классиков, великие классики.

Аннотация: в данной статье говорится о необходимости воспитания у будущих специалистов нравственных качеств, которые обеспечат успешное развитие высококвалифицированных специалистов современного государства. О значительной роли адаптированных текстов на примере произведений классиков в деле воспитания молодёжи. Важнейшей задачей нашего общества является воспитание у будущих специалистов тех нравственных качеств, которые обеспечат успешное развитие высококвалифицированных специалистов современного государства. В основе нравственного воспитания подрастающего поколения лежат как общечеловеческие ценности, непреходящие моральные нормы, выработанные людьми в процессе исторического развития общества, так и новые принципы и нормы, возникшие на современном этапе развития общества. Непреходящие нравственные качества — честность, справедливость, долг, порядочность, ответственность, честь, совесть, достоинство, гуманизм, бескорыстие, трудолюбие, уважение к старшим. Среди нравственных качеств, рожденных современным развитием общества, выделим интернационализм, уважение к государству, органам власти, государственной символике, законам» [8.142-143]. Целью воспитания нравственных качеств у студентов вузов средствами

MUNDARIJA

F.I.Sh.	Maqola nomi	Bet
Kenan Koch.	Əlisher Navoi	10
Olim S.	Alisher Navoiy – davlatshunos	21
Мадаева Ш.О.	Алишер Навоий фалсафасида космологик онтология тамойиллари	33
Hayitov Sh.	Nazm – ijodkor qalbining tarjimai	39
O'raeva D., O'raeva G.	Alisher Navoiy g'azallarida til odobiga oid tushunchalarning iboralar orqali ifodalanishi	45
Quvvatova D., Sharipova R.	Alisher Navoiy she'riyatida shamol obrazi talqini	51
G'afforova Z.	Navoiy "Hayrat ul-abror"ida rostlik targ'ibi	54
Rajabova M.	Alisher Navoiyning "Nasoyim ul - muhabbat" asaridagi tushlarga doir mulohazalar	59
Yunusova G., Samiev A.	Hazrat Mir Alisher Navoiy ijodida o'zlikni anglash g'oyasi	68
Rajabova R.	Navoiy ijodida folklor namunalari	72
Tadjiev X.	Navoiy va o'zbek adabiyotida arba'in janri	77
Казимова Г.	Один из гениев узбекской литературы средних веков - Алишер Навои	80
Sulaymonova D.	Important aspects of the work of the representatives of the lake school	86
Sohibova Z.	G'am hazonin zohir etmish chehrayi zardim mening	94
Асрарова М., Джураев Ф.	Воспитание нравственных качеств личности на примере творчества Алишера Навои	98
Камалова Д.	Алишер Навои – гордость Узбекского народа	103
Баратова М., Джураев М.	Вопросы личности автора и буквальной текстуры	106
Баратова М.	Философские основы художественно-эстетических взглядов Алишера Навои	113
Ахмедова Г., Жураев А.	Алишер Навои - чест Узбекского народа	118
Fayzieva M., Kudratova K.	Alisher navoiy asarlarida ona timsoli talqini	122
Караматова З.	Бесценный дар, оставленный предками	125
Karamatova Z., Rasulova N.	Interpretation of the women's image in Alisher Navoi's works	129
Mamedova M., Toshev Sh.	Ascetic lifestyle of A. Navai	132
Niyazova M., Oromova M.	Interpretation of Sabai Sayyor epic poem in Khamsa	136
Norova M., Norova M., Norova F.	Life and work of Alisher Navoi, the founder of the uzbek literary language and literature, poet, scientist and educator	139
Odinayeva N., Hamitova S	Alisher navoiy asarlarida o'zlikni anglash g'oyasi.	144
Kurbonov A., Choriev G'.	The study of Alisher Navoi's heritage begins with the study of his life and creative way	149
Kurbonov A.	The study of Alisher Navoi's literary heritage is in the eyes of scholars	153
Safarova Z. Tursunova Ch.	Ancestor of the uzbek literary language	158
Saidova Z.	Reflection of humanity, active entrepreneurship and innovative ideas in Alisher Navoi's works	163
Саломова М., Зохилова А.	Философско-эстетическая сущность в поэзии	166